O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 16 AVGUST ◆ PAYSHANBA ◆ № 95 (26.797)

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ БЕЛЬГИЯДА ЯНГРАДИ

Яқинда Бельгиянинг Антверпен шаҳрида жаҳон санъат усталарининг 26-халқаро «Сфинкс» фестивали бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрган санъат аҳли иштирок этди.

Юртимиз вакили — Ўзбекистон халқ артисти, ЮНЕСКОнинг халқ анъаналарини сақлаш ва тиклаш бўйича комиссияси аъзоси Муножот Йўлчиева ижросидаги «Келмади», «Қаро кўзим», «Ёр-ёр», «Омон ёр», «Муножот» сингари қўшиқлар тадбир қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари билан олқишланди.

Тадбир чоғи бошида андижонча дўппи, эгнига ўзбекона яктак кийган бир йигит, унинг ёнида эса бухороча дўппили 2-3 яшар болакайни кўтариб юрган аёл кўпчиликнинг эътиборини тортди. Улар ўзбек мақомчилик санъатининг асл шайдоси — М.Йўлчиеванинг бельгиялик ўқувчилари эди. Ушбу гуруҳ, яъни Крис Делвил, Анна Роуз, Доминик ва Валери ўзбек мақомчилик санъатини ўрганиш ҳамда М.Йўлчиева ижоди тўғрисида фильм яратиш мақсадида шу йил апрель ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган эди.

Анна Роуз ва Доминикнинг бетакрор овоз соҳибаси — Муножот қўшиқларига жўр бўлишгани халқаро анжуманга ўзгача шукуҳ бағишлади.

■ «Жаҳон» АА

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ва Олий Мажлиснинг бўлажак сессияси олдидан Олий Мажлис қўмиталарида матбуот анжумани ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Куни кеча шундай анжуман Матбуот ва ахборот қўмитаси ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамкорлигида ўтказилди.

Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси ўринбосари И. Ғофуров қўмитанинг истиқлол йилларида амалга оширган ишлари ҳақида тўхталар экан, бу борада етарли ҳуқуқий асослар яратилганлигига алоҳида урғу берди. Айниқса, «Ноширлик фаолияти тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ва «Реклама тўғрисида»ги қонунларнинг парламент томонидан қабул қилиниши билан матбаачи ноширлар ва журналистлар ҳуқуқлари қонуний ҳимояга олинганлиги қувонарлидир. Кейинги пайтларда Интернет тизимининг матбуот соҳасига кириб келиши унда ахборотлар кўлами кенгайишига ижобий таъсир этибгина қолмай, эндиликда Интернетда Ўзбекистон сайтлари очилиши республикамизни дунёга танитишда албатта ҳисса қўшади. Бу борада маълум қадамлар ташланди.

Аҳолининг ўз ҳуқуқларини таниб боришида матбуотнинг роли беқиёс эканлиги ҳам бор гап. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова таъкидлаганидек, 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган қонунга мувофиқ, давлат ва ноҳукумат тузилмаларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши мониторингини ўтказиш механизмини яратиш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг оқилона ва самарали тизимини шакллантириш, шунингдек, республиканинг барча минтақаларида инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш борасида аҳоли ўртасида ахборот-маърифий фаолиятни кучайтириш бўйича анча ишлар амалга оширилди.

Шу йилнинг 6 ойи мобайнида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига фуқаролардан 2268 та мурожаат тушган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги баён этилган 80 та мурожаат ижобий ҳал этилган, қолганлари эса назоратга олинган. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Наманган, Навоий вилоятларидан тушган мурожаатлар сонининг кўпайиши кузатилган. Шикоятларда асосан судларнинг ҳукмлари ва қарорларидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан норозилик, шунингдек, турар жой коммунал, ижтимоий масалалар ва меҳнат низолари баён этилган.

Шуниси қувончлики, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг минтақавий вакиллари суд жараёнларида Омбудсманнинг вакили сифатида иштирок этмоқдалар.

Ўтган йил Омбудсманнинг минтақавий вакили институти фаол иш бошлади. Маҳаллий ҳокимият органлари қўмагида минтақаларда, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида, Андижон, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Навоий, Хоразм вилоятларида Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ҳузурида экспертлар гуруҳлари тузилди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоблар қайтарилди.

■ (Ўз мухбиримиз)

ПОЙТАХТ МАНЗАРАСИ

■ Владимир ПАНОВ олган сурат

ХДП ХАБАРИ

АМАЛИЙ ИШЛАР — ТАШКИЛОТЛАР НУФУЗИНИ ОШИРИШНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИ

14 ва 15 август кунлари Самарқанд ва Жиззахда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан, мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб ташкил этилаётган семинар-кенгашларнинг навбатдагилари бўлиб ўтди. Уларда мазкур вилоятлар ХДП кенгашлари ижроия бюроларининг аъзолари, шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳамда йирик бошланғич партия ташкилотлари котиблари, Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар. Семинарларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов мустақилликнинг 10 йиллиги ва партия ташкилотларининг долзарб вазифалари тўғрисида маъруза қилди. У Юртбошимиз раҳбарлигида истиқлол йилларида мамлакатимиз қўлга киритган тарихий ютуқлар, Ўзбекистон ХДПнинг ислоҳотларда иштирокини мамнуният билан таъкидлаб, маҳаллий партия ташкилотларининг мавқеини мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасидаги нуфузини оширишнинг энг самарали йўли амалий ишлар эканлигини фаолларга эслатиб ўтди.

ХДП Самарқанд ва Жиззах вилоят кенгашлари биринчи котиблари Р. Ҳамроқулов ҳамда М. Иномов Ватанимизнинг ўн йиллик тўйи арафасида партия ташкилотларининг жойларда олиб бораётган ишлари ҳақида ахборот бердилар.

Семинарларнинг иккинчи қисмида айрим ички партиявий масалалар хусусида мулоқот бўлиб ўтди. Уларни Марказий Кенгаш масъул ходими С. Усмонов бошқарди.

Самарқанддаги семинар ниҳоясида Марказий Кенгаш биринчи котиби Ўзбекистон ХДПга янги қабул қилинган бир гуруҳ сафдошларга партия билетларини топширди.

Ушбу семинар-кенгаш ишида Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари А. Маматов ва МК котиби А. Рустамов иштирок этдилар.

Жиззахда ўтказилган анжуманда Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари О. Жавлонов сўзга чиқди.

■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

МАҚСАДГА ЯРАША ИНТИЛИШ

Мамлакат мустақиллигининг ўн йиллик байрам шодиёнасини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун Навбаҳор туман меҳнаткашлари астойдил ишламоқдалар. Улар жорий йилда давлатга 202.6 тонна шилла, 17.452 тонна ғалла, 14250 дона сифатли қоракўл тери етказиб беришди. Айни кезда туман пахтакорлари давлатга 28 минг тонна пахта етказиб бериш мақсадида теримни бошлаб юборишди.

— Мақсад ва интилишлар муштарақдир, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Ғулом Авлоқулов. — 25 август куни туман қишлоқларида яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандларидан юз нафарининг суннат тўйини ҳамда 10 ёшга тўлган ўн нафар ўғил-қизларнинг таваллуд тўйини ўтказамиз. Фахрийларнинг уйларига бориб байрам совғалари ва пул мукофотлари топширилиб, тумандаги «Кескинтерак» фольклор-этнографик ансамбли томонидан концерт дастурлари намойиш этилади.

Туман халқ таълими бўлими, маърифат ва маънавият маркази, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда туман аскарликка тайёрлаш бўлими раҳбарлари ушбу тадбирнинг муваффақиятли ўтиши учун астойдил ишламоқдалар.

■ Ўткир ПЎЛАТ

МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗ «УМР»ИНИ УЗАЙТИРИБ

Бой маънавий меросимиз азалдан дунё халқларини лол қолдириб келган. Зеро, бу меросни асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш йўлида бир талай муаммолар турилмоқда. Боиси, вақт ўтган сари баъзи дурдоналар эскириб, ўз қимматини йўқота боради. Ана шундай пайтда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамда ЮНЕСКО ҳомийлигида SMI компанияси хайрли ишга қўл урди. Мазкур жамиятлар Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг ноёб қўлёзмалар мажмуи билан ҳамкорликда ўтмиш меросимиз муҳрланган компакт дискларни нашр этишни йўлга қўйди.

Куни кеча республика Бадиий академиясида Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги муносабати билан тайёрланган «Шарқ миниатюралари» номли мультимедия компакт дискининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Мультимедия диски XIV-XVII асрларга оид 374 та шарқ миниатюраларидан иборат. Айни пайтда ундаги қўлёзмалар ЮНЕСКОнинг «Жаҳон мероси» рўйхатига киритилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги дунёнинг етакчи музей ва кутубхоналарида сақланмоқда.

Компакт диск уч қисмдан иборат: Камолиддин Беҳзод ва унинг мактабига оид миниатюралар (114 дона), Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар мажмуи миниатюралари (136 дона) ва хорижий манбалардан олинган Марказий Осиёнинг XIV-XVII асрларга оид миниатюраларидир (124 дона). Бундан ташқари, мажмуага 354 та катталаштирилган лавҳалар ҳам киритилган бўлиб, улар миниатюралар билан янада яқинроқ танишиш имконини беради. Ҳар бир лавҳага инглиз тилида изоҳ берилган.

SMI гуруҳи томонидан илгари ҳам миллий давлатчилигимиз тарихига оид бир неча компакт дисклари тайёрланган бўлиб, уларнинг барчаси ўтмишимиз ҳақида ҳикоя қилиши билан муҳимдир.

■ Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

БАЙРАМ КАЙФИЯТИ

■ Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат

ҚИММАТГА ТУШГАН БУЙРУҚ

Ширкат хўжалиги раиси фермер хўжаликлари фаолиятига асоссиз аралашгани учун суд олдида жавоб берди

Кўклам кунларида «Балиқчи» ширкат хўжалиги раиси Исмонжон Исақов «Сайдулло ота» фермер хўжалиги бошлиғига буйруқ қилди.

— Пиёзингни йиғиштир, пахта экасан!

— Куздан бери уриниб экинни энди амаллатдим, — деди фермер кутилмаган дағдағадан ҳайрон бўлиб. — Қолаверса, ҳисоботда кўрсатилган. Сабзавотчилик йўналишидаман. Маҳсулот етиштириш ва топширишга шартнома ҳам бор. Қандоқ бўларкин...

— Пахтанинг қадри пиёзникидан камми?! — баланд келди раис.

— Пахта қатори пиёз, сабзавот ҳам кўпчиликнинг ризқи, — деди деҳқончасига фермер.

Бу пайтда бозорда пиёзнинг баҳоси фалон пул эди. Ҳисоб-китобли фермер маҳсулот етиштириб озгина бўлса-да, арзончиликка ҳисса қўшиш мақсадида енг шимарди. Раис эса қонунга зид хатти-ҳаракати билан тўсиқ бўлди. Ўзининг билганидан қолмади, фермерни кўзга илмади.

Тўғри сўзлар таъсир қилмаса қийин. Раис тунда «Сайдулло ота» фермер хўжалигининг 2 гектар экинзорини шудгорлатиб юборди. Барқ уриб ўсаётган ниҳолларни ҳайдашни истамаган тракторчига тазйиқ қилди.

Фермер «тўнини тескари кийган» раисни инсофга келади, деб ўйлаб уйига қайтганди. Эртасига тонгда даласига бориб кўзларига ишонмади. Наҳотки, раис... ҳайдалган ердаги қовжираётган пиёз тўпларини кўриб кўзи ёшланди.

— Экиннинг уволи тутади, — дея ўғли Набибуллони юпатди 74 ёшли Сайдулло ота. — Бунақа ишлар эски замонда бўлиб турарди. Юртбошимиз деҳқону фермерларнинг бошини силаётганда раиснинг тутуми қуюшқонга сиғмайди. Албатта, чорасини олади.

Фермер Набибулло Нишонов қўл қовуштирмади, руҳан тушмади. Ҳуқуқ-тартибот идораларига ширкат хўжалиги раиси томонидан қонуний ҳақ-ҳуқуқи поймол этилгани ҳақида арзнома ёзди.

Адолат бор. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ким ҳақ, ким ноҳақлигига муносабат билдирдилар. Андижон вилояти адлия бошқармаси, Балиқчи туман прокурори холис турди. Избоскан туманлараро фуқаролик ишлари суди қонуний қарор, Балиқчи тумани жиноят ишлари бўйича суди эса тегишли ҳукм чиқарди.

Избоскан туманлараро фуқаролик ишлари судининг шу йил 27 июндаги қарорига кўра «Балиқчи» ширкат хўжалиги раиси томонидан фермер хўжалигига етказилган моддий ва маънавий зарар учун 4585900 (тўрт миллион беш юз саксон беш минг тўққиз юз) сўм ундириладиган бўлди. Зарарнинг бир қисми тўланди. Қолгани ҳали насия. Бу маблағни фермер қачон олади, ҳозирча даргумон. Суд қарорини ижро этиш турли баҳоналар билан пайсалга солиняпти.

Ширкат хўжалиги раиси буйруқбозликни биргина «Сайдулло ота» фермер хўжалигига қилганида кошки эди. Юртдоши Қодирали Шерматов бошчилик қилаётган чорвачилик йўналишидаги «Шермат ота» фермер хўжалигининг 2 гектарда ривожланаётган маккажўхорисини баҳорда пахта экиш баҳонасида буздиргани дард устига чипқон бўлди. Суд қарорига кўра, бу фермер хўжалигига етказилган зиён ҳам ундирилиши белгиланди.

Балиқчи туманидаги «Балиқчи» ширкат хўжалигининг раиси Исмонжон Исақов айтганим айтган деб адашганлигини кеч, ғишт қолипдан кўчганида — тунги шудгорнинг оқибати ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан таҳлил қилинганида тушунгандек кўринди. Афтидан раис бунгача қонунга эмас, суянчиғи — туман ҳокими Адҳам Мамажоновга ишонган бўлса ажабмас.

Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги нутқида «Барчамиз бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз зарур: тарихнинг қайси даврини олмайлик, хонлар ва амирлар эмас, амалдор — тўралар ва турли-туман текширувчилар эмас, балки ғайрат-шижоатли, ташаббускор ва тадбиркор инсонлар мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва халқ фаровонлигини таъминлаганини кўрамиз», дедилар. Бу ёниқ, дилгир сўзлар фермеру тадбиркорларда эртанги кунга ишонч уйғотди. Уларга куч-қувват, мадад берянпти.

Мустақил мамлакатимизда ҳамиша қонун устувор бўлишини, адолат тантана қилишини Исмонжон Исақовга ўхшаш раҳбарлар билиб олишлари керак. Акс ҳолда бармоқ тишлаб пушаймон бўлишлари турган гап. Қонунга хилоф ишлар ким томонидан содир этилишидан қатъи назар, ўзининг қонуний чорасини олиши аниқ.

■ Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ИСТИҚЛОЛ, МАМЛАКАТ

Юртимиздаги ҳар бир карич тупроқнинг ўз тарихи бор. Халкимиз ҳар карич ери билан фахрланса, калбига ифтихор туйса бўлади. Мамлакатимиздаги энг ёш, деб таъриф берилган жойнинг илдизларини ҳам камида минг йил наридан излаш лозим.

Сирдарё вилоятининг тарихи Ўрта Осиё кон томирларидан бири бўлган азим Сир билан теппа-тенг эканлиги бугун ҳаммага аён. Зардуштийликнинг ноёб китоби «Авесто»да Сирдарё Дану деб, юнон тарихчиларининг асарларида эса Яхартес-Яксарт деб тилга олинади. Араблар уни «Сайхун» деб аташган эди. XV асрдаёк темурий ҳукмдорлардан Шохрух ва Улуғбек Мирзо Сирдарёдан канал оркали Мирзачўлга сув чиқариб, бу ҳудудда кўплаб ободончилик ишларини олиб борганлар. Бугун эса бунёдкор боболаримиз ишини бу ерда яшаётган 30 дан ортиқ миллат вакиллари кўлни кўлга бериб, бир тану бир жон бўлиб давом эттирмокдалар. Мустақиллик йилларида ана шу халк кўли билан Гулистон ва Янгиер шаҳарлари таниб бўлмас кўринишга эга бўлди. Бугун йўлнинг икки четида шовуллаб турган теракларга, ям-яшил далаларга караб илгари бу ерлар изиллаган чўл бўлганлигини тасаввур килолмайсиз. Сирдарё халкининг жўшкин, рухли ҳаёти эса бу вилоятнинг эртаси янада нурли эканлигидан далолатдир.

Юртни, нозу неъмати ёки бойлиги учун севмайдилар. Ёхуд боғу роғ, сўлим бўлганлиги туфайли унга мехр кўйилмайди, ковунлари ширин бўлганлиги учун ҳам мактанмайди. Ишлаб чиқаришдаги ўрни, нуфузига караб катикрок мухаббат кўйиш ватанпарварлик саналмайди. Зеро, юкорида айтганимиздек, юртимиздаги ҳар карич тупрок мукаддас, азиз. Ҳар сиқим тупроқни кўзимизга тўтиё килсак арзийди. Сирдарё юртимизнинг ана шундай дурдона шодаларидан биттасидир. Кўйида бугунги Сирдарё ҳакида, ундаги ўзгаришлар, хуллас, мустақилликдан кейинги янгиланган Сирдарё ҳакида ҳикоя киламиз.

БОБОМДЕК БЎЛГИМ КЕЛАДИ!

Мен Мустақиллик билан тенгдошман.

Биз ўқувчиларнинг асосий мақсади — фақат аъло баҳоларга ўқиш. Агар яхши ўқисак, барча илмларни пухта ўргансак, тил билсак — мустақиллигимиз, Ватанимиз, Юртбошимизга содиқ фарзанд бўламиз. Ҳар биримиз Президентимиздай доно, халқпарвар одам бўлишга интилишимиз шарт. Бобом менга доимо, орзу қилиб яша, орзуга айб йўқ, дея насиҳат қилади. Улкан орзуим бор. Худди Ислом бобомдек бўлгим келади...

Мансуржон БОЛТАЕВ,
Шароф Рашидов тумани

Ислом КАРИМОВ:

Сирдарё вилоятида яшайдиган халқ кўпни кўрган, оғир синовларда тобланган, меҳнаткаш, матонатли халкдир. Бундай одамлар билан ҳар қандай машаққатни енгиб ўтиш, янги-янги марраларни кўлга киритиш, янада улуғвор ишларни амалга ошириш мумкин.

СУВ ЧИҚАРГАН АЁЛ

Зулфия фермер сув чиқарибди, деган гап тез тарқалди. Сайхунобод тумани «Гулистон» деҳқон-фермер хўжалиги аҳолиси ҳайратда. Ҳайратланмай бўладими, сув чиқарилган 10 гектардан ошиқроқ майдон, бу ерлар ўзлаштирилибдики сув кўрмаган эди-да. Ўтган йиллар мобайнида кўплар уриниб кўрди. Аммо ҳеч бири бу ерлардан сув чиқариш эпини кила олмади. Унчалик узоқ бўлмаган масофадан ўтган ариқ нисбатан анча баландроқ бўлган бу жойга чиқмас эди.

— 1999 йили «Ёғду» фермер хўжалигини ташкил қилганимда чекимга шу ерлар тушди, — дея сўзлайди фермер хўжалик раҳбари Зулфия Очилова. — Бултур кузда хўжалик аъзолари шу майдонда йиғилишиб, кенгашдик, сув келтириш мумкин бўлган йўлларни кидирдик, оқим йўналишини ўргандик. Ниҳоят, энг мақбул вариантни топиб, сув оқими бўйича катта ўқариқ қазиб келдик. Меҳнатимиз зое кетмади. Кўриб турганингиздек, сув чиқариб, пахта экдик. Ҳадемай, йиғиштириб олишни ҳам бошлаймиз.

Зулфия опа деҳқонларнинг олди. 45 центнердан ғалла олиб, режани 150 фоиз қилиб бажарди. Пахта ҳам чаккимас.

Қурғоқчиликдан жабр кўраётган бир пайтда, ҳамма айбни сувдан кидирмай, имкон топиб сув чиқарган Зулфия опага балли, дегинг келади.

ЭКСПОРТ — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ



Вилоят аҳолиси жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг республика ўртача кўрсаткичига нисбати (фоизда)

Вилоятда 19 та кўшма корхона мавжуд бўлиб, шулардан 15 таси муваффақиятли фаолият олиб бормокда. Кўшма корхоналар томонидан ўтган ярим йилликда 881,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Яна ҳам кувонарлиси, маҳсулотларнинг бир неча юз минг АҚШ долларига тенг бўлган қисми чет мамлакатларга экспорт қилинди. Таккослаб кўриш учун характерли мисол: ўтган йилнинг шу даврида вилоят кўшма корхоналари томонидан экспорт килинган махсулотлар ҳажми 15 фоизни ташкил этган эди. Кўриниб турибдики, кўшма корхоналар фаолияти ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш йўлида жиддий ўзгаришларга эришилмокда.

Сирдарё туманидаги оқшокдан крахмал ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Кирғизистон-Англия-Люксембург кўшма корхонасининг ишга тушгани вилоятнинг катта ютуғи десак муболаға бўлмас. Сабаби, крахмал ишлаб чиқарадиган корхоналар жаҳонда саноқли бўлса, иккинчи томондан оқшокдан олинадиган крахмалнинг жаҳон бозорида савдоси чаккон.

Якинда Боёвут туманида иш бошлаган кишлок хўжалик махсулотлари уруғларини етиштирадиган Ўзбек — Корея кўшма корхонаси ҳам ҳадемай экспорт салоҳиятини намоён этади.

Вилоятда 2001-2005 йиллар мобайнида янги кўшма корхоналар барпо этиш бўйича 19 та янги лойиҳа амалга ошириш кўзда тутилган. Улар орасида катор истиқболли лойиҳалар мавжуд. Боёвут туманидаги «Коинот — АМР» корхонасининг мева-сабзавотларни куритиш ва кадоклашга мўлжалланган лойиҳаси шулар жумласидандир. Ширин механика заводи Белоруссиянинг «Мотовелло» заводи билан кўшма корхона тузиш бўйича музокаралар олиб бормокда. «Ширинэлектротаъмир» акциядорлик жамияти эса Италия технологияси асосида черепица ишлаб чиқариш лойиҳасини тайёрламокда.

Гулларга бурканган Гулистон

ЁШЛАР НИМА БИЛАН МАШҒУЛ?

Вилоятга сафаримизнинг биринчи куниданоқ катта тадбир устидан чиқдик. Очиғи, ушбу тадбир сабабини билиб ҳамда унда қатнашаётган ёшларнинг шижоатини кўриб, ватан келажаги ишончли қўлларда эканлигини яна бир карра кўнглимиздан ўтказдик.

Вилоят «Камолот» ижтимоий ҳаракати сафидаги ёшлар хайрли ташаббус билан чиқишибди. Кам таъминланган ҳамда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга ҳашар йўли билан уй-жой қуриб бериш таклифини илгари суришди.

Меҳнатга чанқоқ ёшлар ўша вақтнинг ўзидаёқ ишга киришишди. Етакчилар елиб-югуриб қурилиш материалларини топишда кўмаклашадиган ҳомий ташкилотлар қидириб топишди. Ташкилотлар, ҳатто, фермерлар ҳам имконият даражасида кўмаклашди. Қолган ишларнинг барчасини ёшлар бажаришди.

Биз сирдарёлик ёшларнинг ўзлари бунёд этишган уч хонали уйни Гулистон туманининг «Уч қаҳрамон» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ҳасан Каромалиевга топширилишининг гувоҳи бўлдик. Янги уй соҳибининг юзларида самимий миннатдорчилик туйғусини кўрган бўлсак, ёшлар кўзларида эса ёрқин келажак нурини ҳис қилдик.

Ҳа, ёшлар — катта тўлқин. Уларга ўз имкониятларини намоён қилишга имкон берилган.

Дарвоқе, шу куннинг ўзида бу хайрли иш давом эттирилиб, Боёвут тумани Усмон Юсупов ширкатлар уюшмасида истиқомат қилувчи Дониёр Норчаев оиласи учун уч хонали уйнинг пойдеворига тамал тоши қўйилди.

ПАҲЛАВОН КОРХОНА ОДИМИ

Тасаввур қилинг: Ўзбекистондек улкан мамлакатда истеъмол этилаётган электр энергиясининг бир қисми Сирдарёда, яъни бутун мамлакатга донғи кетган Сирдарё ГРЭСида ишлаб чиқарилмоқда.

Хўш, ана шу улкан нурхонада бугунги ахвол қандай? Жамоа мамлакатимизнинг ўн йиллик байрамини қандай кутиб олмоқда? Ана шу саволларга жавоб олиш мақсадида биз Сирдарё ГРЭСи директори Зокиржон Холиқов ҳузурида бўлдик.

— Сирдарё ГРЭСининг барпо этилиши мамлакатимиз энергетикаси тарихида ўзига хос катта ва тарихий воқеа бўлган бўлса, мустақиллик йилларига келиб унинг қайтадан модернизация қилиниши янада аҳамиятлидир. Чунки бетўхтов ишлаб турган улкан иншоот фаолият жараёнида эскиради, бир тарафдан таъмирга, иккинчи тарафдан эса замон технологияси, фан-техника ютуқлари талабларига мослашувга муҳтож бўлиб қолади.

Бундан уч йилча муқаддам Сирдарё ГРЭСини ҳозирги замон талаблари асосида модернизациялаш ишлари бошлаб юборилган эди. Аслида режа бўйича мавжуд 10 та энергоблокнинг 7-8 таси доимий равишда ишлаб туриши, қолган 2-3 таси эса таъмирда бўлмоғи лозим. Шу ҳолга риоя қилинса, нурхонанинг ишлаб чиқариш қуввати сусаймайди ва самарадорлиги бир меъёрда ушлаб турилади.

Халқаро танлов асосида ўтказилган тендерда ғолиб чиққан Германиянинг «Сименс» фирмаси мутахассислари лойиҳада белгиланган ҳар бири 300 меговатли 2 та энергоблокни реконструкция қилиш устида иш олиб бормоқдалар.

ГРЭСдаги барча таъмирлаш ишлари Европа Тикланиш ва тараққиёт банки кредитлари ҳисобига амалга оширилмоқда. Мазкур мақсадлар учун банк томонидан 27,8 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган.

Режага кўра мустақиллигимизнинг ўн йиллигига қадар 8-энергоблокдаги таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилади, келаси йилнинг бошида эса 7-энергоблок ҳам таъмирдан чиқарилади.

Мазкур тадбирлар амалга оширилганидан сўнг ГРЭС қуввати янада оширилиши кутилмоқда. Шу билан бирга йил мобайнида 18 фоиз ёқилғини тежаб қолиш имкони пайдо бўлади. Яна бир эътиборли томони, таъмирдан сўнг трубиналарнинг фойдаланиш жараёни олдинги муддатдан 3-4 бараварга узаяди.

Ўрта ва кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши (фоиз ҳисобида,хусусий тадбиркорлар ҳисобга олинганда)

Ҳудудлар	Жами	Кичик ва ўрта корх-р	Хусусий тадбиркорлик
Қорақалпоғистон Республикаси	20,3	8,9	11,4
Андижон вилояти	31,5	9	22,5
Бухоро вилояти	30,4	13,8	16,6
Жиззах вилояти	38,6	16,4	22,2
Қашқадарё вилояти	21,6	6,8	14,8
Навоий вилояти	20,3	6,5	13,8
Наманган вилояти	29,9	9,7	20,2
Самарқанд вилояти	37,6	10,5	27,1
Сурхондарё вилояти	36,9	14,4	22,5
Сирдарё вилояти	33,3	14,9	18,4
Тошкент вилояти	28,8	12,6	16,2
Фарғона вилояти	30,4	12	18,4
Хоразм вилояти	30,4	9	21,4
Тошкент шаҳри	32,2	20	12,2

ИЛМ + ТАДБИРКОРЛИК

Марказдан узоқда тадқиқотлар олиб бораётган иқтидорли олимлар ишини кенг оммага кўрсатиш, рағбатлантириш зарур, улар сояда қолиб кетмаслиги керак. Шу мақсадда вилоятдаги катта илм даргоҳи бўлган Гулистон давлат университетига ташриф буюрдик.

Университет ёш тадқиқотчилари орасида иқтидорли олим, биология фанлари номзоди, доцент Ҳабибжон Кушиевнинг олиб бораётган изланишлари бизни қизиқтириб қолди.

Японияда кашфиётлар яратишдан ҳам кўра, уларни амалиётга кенг татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. **Тан олиш керакки, бизда шу муҳим хусусият бироз оқсоқ. Республикамизда ҳам кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, кашфиётлар яратилмоқда. Аммо, бу кашфиётларни амалиётда кўллаш, ишлаб чиқаришга жорий этиш қониқарли даражада эмас.**

Гапни узоқдан бошлаганимизнинг боиси, Ҳабибжон Кушиевнинг олимлик фаолиятида дуч келган муаммоларни ўзи бартараф этганини кўрамиз.

У мана бир неча йилдирки, пахта зараркунандаларига қарши воситалар яратиш устида тадқиқотлар олиб бормоқда. Изланишлари самараси ўлароқ ижобий натижаларга эришди. Аммо, бу муваффақиятлар уни қаноатлантирмади, янгиликлари амалиётда кўлланилиб, жамиятга бирор нафи тегишини истарди. Мақсади йўлида «Ҳашаротлар биокимёси» лабораториясини ташкил этди. Лабораторияда зараркунандаларга қарши яратган турли воситаларни ишлаб чиқара бошлади. Кўпгина туманлар билан ҳамкорликни йўлга кўйди. Ўзаро келишувга асосан, олим мазкур туман пахта майдонларини зараркунандалардан ҳимояланишда ёрдам бериб, воситалар билан таъминлайди. Шу орқали лаборатория ҳисобига 2,5 миллионга яқин маблағ туширди. Йил охиригача бу миқдорни 10 миллионга етказиш ниятида. Китоблар уюмичида ўтган бедор тунлар самараси — аклий меҳнати эвазига топган маблағ бу. Бу маблағлар келажакда бундан-да юксак илмий ихтиролар яратилишига имкон беради.

Ҳабибжон Кушиевнинг ишлари юқори баҳоланиб, Фан ва техника давлат кўмитаси грантини олишга сазовор бўлди. Бу давлат гранти халқаро майдонда унга катта имкониятлар очиб берадиган муҳим омиллардан бири бўлишига аминмиз.



ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

ЮЗИ ЁРУҒ ҒАЛЛАКОРЛАР

Аср биринчи қадами сирдарёлик заҳматкаш деҳқонларга омадли келди. Улар давлатга дон топшириш йиллик шартнома режасини бажардилар.

Вилоят бўйича 89300 гектар суғориладиган майдонда ғалла етиштирилиб, давлатга 187 минг тоннадан ортиқ сара буғдой топширилди. Бундан ташқари келгуси йил ҳосили учун ҳам 1250 тонна сифатли уруғлик ғамлаб қўйилди. Бу муваффақиятда Сайхунобод, Боёвут, Сирдарё туманлари меҳнаткашларининг ҳиссаси катта.

Вилоят иқтисодий кўрсаткичлари

	Ишлаб чиқариш ҳажми (млн.сўм)	2000 йил 1 - ярим йилга нисбатан — %	Нодавлат сектор улуши
Оқолтин тум.	1228,1	146,3	100
Боёвут тум.	2076,9	101,9	100
Гулистон тум.	167,1	101	100
Мирзаобод тум.	100,2	98	100
Меҳнатобод тум.	67	96,9	100
Сирдарё тум.	3735,4	133,1	97,6
Сайхунобод тум.	2782	115	100
Ш. Рашидов тум.	1117,8	122,7	100
Ховос тумани	173	115,2	100
Вилоят бўйича	17416,8	115,8	96,9

АКАДЕМИК ШОИР номидаги ЛИЦЕЙ

Ғафур Ғулом номли Сирдарё давлат университети қошида ташкил этилган академик лицей нуфузи ортиб бормоқда. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчиси, истиқлол шарофати туфайли ўқув тизимининг мутлақо янги, миллий дастур асосида ташкил этилгани бўлса, иккинчиси, лицей директори Саме Саматовнинг катта ташкилотчилик қобилияти ва давр талабини чуқур тушунганлигидир.

Икки оғиз директор ҳақида. Сирдарё давлат педагогика институтининг физика-математика куллиётини тугатган С. Саматов 1980 йилда республикада биринчи бўлиб ёпиқ занжирли телевизион қурилма яратди ва институтга жорий қилди. Бу қурилманинг моҳияти шуки, барча дарсхоналарга телевизор қўйилиб, улар бир-бирига уланади. Ректор ёки бошқа раҳбар (декан, кафедра мудири ва бошқалар) ўз хонасида ўтириб муаллим қандай дарс ўтаётганини, талабаларнинг фаоллиги ва билимини бемалол кузата олади.

Бу янгилик тезда бутун вилоятга, кейинчалик бошқа жойларга ҳам ёйилди. Шу сабабли академик лицей ташкил қилинганда кўпчилик раҳбарликни фақат Саме Саматов уддалайди, деган фикрни билдирди.

Мана учинчи йилки, у академик лицей раҳбари.

Академик лицей биносининг ичкарисига кирсангиз, ўзингизни эртаклардаги ажойиб кошонада юргандай ҳис қиласиз. Гуллар, турли кўргазмалар, расмлар, буюк кишиларнинг суратлари. Ҳар бир нарса шундай ишланган ва тартиб билан қўйилганки, ҳаяжондан юрагингиз тошади. Ажойиб кутубхона, катта ва кичик мажлислар зали, ошхона, ҳамма нарса кишига эстетик завқ бағишлайди. Ҳар икки талаба учун биттадан хона ётоқ жойи сифатида берилган. Ҳамма шароит муҳайё.

Нега булар ҳақида тўхталдик? Чунки муҳитнинг ўзи ҳам ёшларни тарбиялайди, уларда ўз ўқув даргоҳига, келажакка ишончни кучайтиради.

Барибир асосий мақсад — чуқур билим бериш. Академик лицейда давомат ва ўзлаштириш ойналари ташкил этилган. Бу ойналар ҳар бир босқич ва гуруҳ учун алоҳида-алоҳида бўлиб, ҳар ойда янгиланиб турилади. Айтайлик, лицейга бирор ота-она келди. У ойнага қараб ўз ўғли ёки қизининг номига кўзи тушади. Бу ном қаршисида мазкур талабанинг дарсга қатнашиши, ўзини тутиши, ўзлаштириш бали, хулқи, ҳатто кийиниши ҳам баҳода ўз аксини топганини кўради. Шу аснода ота-оналар томонидан ҳам талаба назорат қилинади. Талабаларга бир нафар фан доктори, 23 нафар фан номзоди дарс бераётир. Қолган 45 нафар муаллим ҳам фақат Гулистон шаҳрининг эмас, Сирдарё вилоятининг манаман деган билимдонлари. Уларнинг анчагина қисми илмий ишлар муаллифларидир.

Булар Саме Саматовни мамнун қилади. Аммо муаммолар ҳам борки, улардан ташвишда. Масалан, энди талабалар стипендия олмай ўқишади. Улар орасида ночор оила фарзандлари ҳам бор. Уларнинг тақдири нима бўлади? Ўқишни ташлаб кетувчилар кўпайиб қолмайдими?

— Пул топиш керак, тадбиркор бўлиш керак, — дейди директор ана шу мулоҳазалардан кейин. — Ишбилармон учун йўл кўп, йўриқ кўп. Вақтинча бўш турган жойларни ижарага бердик. 6 гектар ер бор. Уч йил илгари экилган мевали кўчатларнинг олди ҳосилга кирди.

Ҳа, бўлар экан, ҳозирнинг ўзида лицей ҳисобида бир миллион сўмдан ортиқ пул тўпланди. Бир минг квадрат метр иссиқхона қурилиб, фақат ойна солиш қолди. Шу иссиқхонанинг ўзидан йилига 2 миллион сўм даромад олиш мумкин. Ана шу маблағлар моддий томондан қийналиб қолган талабаларга ҳам сарфланади. Хуллас, ўй кўп, режа кўп. Энг муҳими эса келажакда лицей ўқувчилари орасидан олимлар, дипломатлар, катта тадбиркорлар етишиб чиқишига йўл очиб бериш.

ФЕРМЕРЛАР... INTERNETДАН ФОЙДАЛАНИШМОҚДА

Бундай имконият вилоят марказий кутубхонасида ташкил этилибди.

Бу гапни эшитиб, очиғи, ғунчалик ишонмадик. Жаҳон билан ахборот алмашуви фалон пул бўлса, ундан ташқари ҳатто пойтахтда ҳам бундай саховатни кўрмаган эдик-да. Қизиқишимиз марказий кутубхонага етаклаб келди. Бу ерда қурувчиларнинг қизғин меҳнати устидан чиқдик. Икки қаватли кутубхона биноси қайта таъмирланмоқда экан.

— Тез кунда кутубхонамиз кўркам кўриниш олади, — дейди кутубхона директори Алижон Бойматов. — Интернет хизматига келсак, кутубхона қошида иккита марказ ташкил этилган. Иккала марказ ҳам «СОРОС» Ўзбекистон очиқ жамият институтининг махсус грантларини олган. Грант дастурига асосан институт марказга умумий баҳоси 5,5 минг АҚШ долларига тенг компьютерлар, модем, сканер, принтер ва шу каби замонавий аппаратураларни тортиқ қилди. Шу билан бирга бир кунда 20 соат Интернетдан бепул фойдаланиш имкониятини берган.

Марказнинг мақсади кутубхона ўқувчиларини зарур ҳуқуқий ахборот манбалари билан таъминлаш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий билимини оширишга йўналтирилган. Ахборот манбаларига келадиган бўлсак, ўқувчилар бу ерда кейинги йилларда чоп этилган хориж ва ўзбек тилидаги адабиётлар, республикамизга доир мавжуд барча қонун ҳужжатлари ва йўриқномаларни ўз ичига олган «Ҳуқуқ» ахборот дастурий таъминоти ҳамда солиқ соҳасидаги қонуний ҳужжатлар тўплами — «NORMA» дастурий таъминотидан фойдаланиш мумкин. Бу дастурий таъминотларнинг заҳира базаси ҳар икки ойда янги маълумотлар билан бойитилиб турилади. Бу харажатлар ҳам Грант доирасида. Марказда ҳатто «Солиқ ва божхона хабарлари» барча сонларининг компьютер вариантлари тўпланган.

Республикада бундай марказлар саноқли. Хозирги кунда вилоятимиздан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон, Бухоро вилоятларида бундай марказлар бор.

Иккинчиси, «Ахборот манбалари» маркази бўлиб, вилоятда фаолият юритаётган нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳамда фермерларни зарур ахборотлар билан таъминлаш билан биргаликда замонавий компьютер техникалардан фойдаланиш имкониятини беради.

— «Ҳуқуқий ахборот» маркази каби бу ерда ҳам барча замонавий аппаратуралар мавжуд. Ҳатто Интернетдан фойдаланиш вақти бирмунча кўпроқ — бир кунда 40 соат бепул фойдаланиш имконияти берилган. Вилоятда фаолият юритаётган нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг кўпчилигида, фермерларда марказдагидек техникалар йўқ. Уларга ахборот таъминотидан ташқари, компьютер техникаларидан исталганча бепул фойдаланиш имкониятини яратганмиз. Оддий хўжаликдан келган ёшлар компьютер қаршисида, Интернет орқали жаҳонни кезишини кузата туриб шундай имкониятлар яратган мустақилликни кўзга суртгим келади, — дейди суҳбат ниҳоясида Алижон Бойматов.

ВАТАН БАЙРОҒИН ЎПИБ

Устозда гап кўп экан. Ялтада спортнинг кикбоксинг тури бўйича ўтказилган «Евроосиё» чемпионатида республикамиздан қатнашган ягона икки нафар сирдарёлик спортчилар юқори натижаларга эришдилар. Чемпионатда Жаҳонгир Кўчмуродов олтин, Барно Болтабоева кумуш медаль совриндорлари бўлишди. Иккаласининг ҳам устози Абдулла Кўчмуродов бўлади.

— 30 дан ортиқ мамлакат спортчилари қатнашган чемпионатда баъзи бир давлатлардан 10 га яқин вакиллар ташриф буюришди, — дейди Барно сафар таассуротлари ҳақида гапирар экан. — Шунга қарамасдан Ўзбекистон байроғи мадҳиямиз садоси остида икки марта кўтарилди. Ўша пайтдаги ҳолатимни тасаввур этиб беролмайман. Дунёда устун бўлиб турган давлатлар байроғидан-да баланд кўтарилган байроғимизни кўриб, яна бунинг сабабчиси ўзинг эканлигингни ҳис қилсанг, Ватанга бўлган муҳаббатинг янада ортаркан.

Рустам Ҳамроевнинг ҳам орзулари бир олам. У яқинда Италияда ўтказилган жаҳон чемпионатида таэквандо (ITF) тури бўйича бронза медали соҳиби бўлди.

Суратда: *(чапдан)Жаҳонгир Кўчмуродов, Барно Болтабоева ҳамда Рустам Ҳамроев.*

ПАНЖА ОРТИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

1998 йилда 223 нафар мансабдор шахс маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиб, улардан 1060,7 минг сўм, 1999 йилда 382 нафар мансабдор шахсдан 2335,0 минг сўм, 2000 йилда 408 нафар мансабдор шахсдан 2336,0 минг сўм жарима ва етказилган моддий зарар ундириб олинди. 2001 йилнинг беш ойида 221 нафар мансабдор шахс маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиб, уларга 1482 минг сўм жарима солинди ҳамда моддий жавобгарликка тортилди. Шу жумладан, 1999 йилда 42 нафар, 2000 йилда 29 нафар, 2001 йил олти ойида 24 нафар мансабдор шахсга интизомий чора қўлланилди. 1999 йилда 24 нафар, 2000 йилда 16 нафар, 2001 йилнинг олти ойида 9 нафар раҳбарга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

(Вилоят хўжалик суди маълумоти)

ХОРИЖЛИКЛАР ЭЪТИРОФИ

Гулистондаги вилоят реабилитация ва саломатлик марказига ташриф буюрар экансиз, замонавий, кўркам бинонинг кираверишидаги зарҳал ҳарфлар билан битилган «Сирдарё вилоят реабилитация ва саломатлик маркази Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2001 йилда бунёд этилган» деган ёзувга кўзингиз тушади.

Республикадаги ягона ушбу марказ жаҳон талаблари даражасида қурилган бўлиб, Финляндиянинг «Медико Медикал» компаниясининг ташҳис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган. Марказда 250 нафар беморни қабул қиладиган поликлиника, 200 ўринга мўлжалланган кундузги стационар, кардиология, функционал диагностика, травматология, асаб касалликлари, шунингдек, оналар ва болалар бўлими фаолият юритади. Ҳамма бўлимларда касаллик турига қараб тўлиқ автоматлаштирилган спорт-соғломлаштириш хоналари мавжуд.

Замонавий тиббий аппаратуралардан ўзбек мутахассислари қай даражада фойдаланишмоқда, деган ўй кўнгилдан ўтиши табиий. Марказни таништираётган кардиология бўлими мудири Хурматой Ҳайдарова худди кўнглимиздагини уқгандек, 8 нафар врач Финляндияга бориб ўз малакаларини ошириб қайтишгани ҳақида сўзлаб берди. Бундан ташқари, «Медико Медикал» компаниясининг мутахассислари марказда бўлиб, мавжуд аппаратуралардан фойдаланиш лойиҳаси доирасида машғулотлар ҳам олиб боришибди.

— Республика вилоятларида ҳам шундай улкан мажмуалар барпо этилаётганлигининг гувоҳи бўлган финляндиялик мутахассислар Президентимизнинг олиб бораётган оқилона сиёсатига юқори баҳо беришди, — дейди ғурур билан марказ бош шифокори Т.Плеханова.

ҚОВУН УРУҒИ АМЕРИКАГА

«Дони» хусусий кичик корхонаси фаолиятини биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2001» танловида иштирок этганида кузатгандик. Ўшанда корхона раҳбари Дониёр Мейербековнинг тадбиркорлик фаолияти муносиб баҳоланган — танловнинг кумуш медали, II даражали дипломи ва қимматбаҳо соврин билан мукофотланган эди.

Энди эса «Дони» тамғаси остида бежирим идишлардаги турли хил сабзавотларнинг уруғларидан иборат коллекция ёнида туриб, Д.Мейербековнинг ишбилармонлигига яна бир бора тан бердик.

Сабзавот уруғларининг 10 дан ортиқ навлари ихчам, нам ўтказмайдиган махсус идишларга қадоқланган. Идишнинг олд томонида сабзавот навининг кўриниши, номи, фирма тамғаси, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Орқа қисмида эса навнинг кимёвий-биологик таркиби, бошқа навлардан фарқи, инсон организмига фойдаси, ҳосилдорлик даражаси, навни экиш йўриқномаси, лицензиялаган лаборатория маълумотномаси ҳамда сақланиш муддатлари кўрсатилган.

Тез кунда ишчилар сони 27 тадан 50 тага етади. Сабаби, ўтган йилги 21 миллион сўм соф даромад ишлаб чиқаришни кенгайтиришга жалб этилган.

Корхона мутахассислари олимлар билан биргаликда изланишлар олиб бориб, помидорнинг янги серҳосил «Дони-2000» навини яратишди. Хорижий харидорлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Мана иккинчи йилдирки, қовун уруғининг икки хил нави АҚШга экспорт қилинмоқда.

Қўш саҳифани «Ўзбекистон овози» мухбирлари Бахтиёр ХАМИДОВ, Шавкат АКРАМОВ (суратлар муаллифи)лар тайёрлашди.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

НАВБАТ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИГА



МАЪНАВИЯТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

САРДАФТАРДАГИ САРҲИСОБ

«Гар дилда дардинг бўлмаса, сардафтаримни кавлама»... Шарқнинг донишманд дарвешмонанд шоирининг ушбу сатрлари таниқли олим Озод Шарафиддиновнинг янги китоби — «Сардафтар саҳифалари» сарлавҳасига кўзимиз тушибоқ беихтиёр хаёлимиздан кечди.

Озод Шарафиддинов салкам ярим асрдан бери адабиётимиз, маданиятимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган фаол ижодкор, адабиётшунос, мунаққид, мураббий, мударрис, муҳаррир, мутаржим, мақоланавислардан биридир. Тадқиқотларидан бирида у «Ғафур Ғуломсиз бу олам ғариб ва кемтик бўлиб қоларди» деган чиройли ва ёқимли ибора ишлатган эди. Худди шу иборани О. Шарафиддиновнинг ўзига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Қисқаси, бир киши адабиётга хизмат қилса, Озод акадек хизмат қилар-да.

Биргина китобларининг ўзи ўттизга етиб қолади, яна қанча бадиий, публицистик, кино асарларини таржима қилиб бердилар, матбуотда босилган мақолалари, эфирдан янграган, экрандан кўрсатилган суҳбатларининг саноғи йўқ. Ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқлари бирдек равон, ўткир, маъқул ва мақбул. Истиқлол Озод Шарафиддиновга янги куч, илҳом бағишлади: «Чўлпон, Фитрат, Ҳамза ҳақидаги тадқиқотлари, янги китоблари ҳамда маънавият муаммоларига бағишланган туркум мақолалари бунинг исботидир. Етмиш йиллик юбилейи муносабати билан Юртбошимизнинг алоҳида илтифоти ва мурувватига, қисқаси, адабиётшунос, мунаққидлар ичида ҳавас қилса арзигулик ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган инсон ҳам Озод акадир.

Кўплаб шогирдлари, мухлислари, ҳамкасблари О. Шарафиддиновнинг ижодига хос сифатлар ичида учтасига, айниқса, ҳавас қилишади, тан беришади. Биринчиси, Озод аканинг «ашаддий» китобсеварлиги, китобпарварлиги. Хонадонига борсангиз, эшикдан киришингиз билан китоблари кутиб олади, сизни чиқишингизда китоблари кузатиб қолади...! Суҳбат ҳам, турган гапки, асосан, китоб, адабиёт, санъат, маданият ва маънавият хусусида кечади.

Иккинчи сифат, ҳозирги замон ўзбек, рус, Ўрта Осиё, жаҳон адабиётининг сара асарлари, етук адибларини билишда Озод акани нинг олдига тушадиган кам бўлса керак. Биринчи мўъжиза — китоб билан қалин ошнолик, том маънодаги муллолик, ўқимишлилик, кенг савия — адабий жараённи теран таҳлил этиш, адиблар ижоди, бадиий асарларга холис баҳо беришда жуда қўл келади. Китобларининг бирида атоқли шоирнинг бир шеърини тўлиқ келтириб «шеърми шу?» дея савол қўйган ва жиддий таҳлил этиб, шеър эмаслигини исбот қилганини эслаймиз. Мунаққиднинг бадиият, эстетиканинг юксак талабларидан келиб чиқиб, асарларга берган ҳаққоний баҳоси анчамунча муаллифларга рўй-рост ёқмас, лекин адабиётнинг чинакам мухлислари учун айни дилдаги гаплар бўлар эди.

Озод Шарафиддиновнинг китоб, мақола, тақриз, суҳбатларига хос яна бир сифат — фазилат, уларнинг майин юмор, ҳазил-мутойиба, ўрни келганида ўткир ҳажв, нордон кулги билан суғорилганлигидир. Бу, биринчидан, асарнинг мароқлилиги ва ўқишлилигининг далолати бўлса, иккинчидан, муаллифнинг кучлилиги, билимдонлиги белгисидир.

«Сардафтар» ҳажман у қадар катта китоб эмас (202 саҳифа). У Озод Шарафиддинов қаламига мансуб бошқа китобларнинг тадрижий, мантиқий давоми, айни чоғда бирмунча ўзига хос хусусиятларга эга. Инсон ёши бир жойга боргач, ортга қайрилиб қарайди, ҳаёт йўлига назар ташлайди, ўзига сарҳисоб беради, хулосалар чиқаради. Олим, адиб, санъаткорларда бу хотира, эссе, бадиалар тарзида намоён бўлади. О. Шарафиддинов китобини «мақолалар, хотиралар» деб атаган.

Муаллиф бир қатор мақолаларида ўзига ўзга кўз билан қарайди. Кечган йиллари, қилган ишларини сарҳисоб этади, хизматларини санаш, писанда қилишдан сақланиб, керак бўлганда камчилик, нуқсонларини мардона тан олади. Қизиғи шундаки, у кечган йиллар ва йўлларини хотирлай туриб, ўзини тергар, «қалбини титкилар» (Достоевский) экан, худди шундай ҳолат ўқувчида ҳам кечади, ҳаётининг яхши ва ёмон кунларини, фараҳли ва армонли онларини эслаб кетади. Бу жиҳатдан «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» мақоласи, айниқса, диққатга сазовордир. Ростгўйлик ва самимият билан ёзилган, катта умумлашма кучига эга ушбу мақола илк бор «Тафаккур» журналида босилгандаёқ жамоатчилик диққат-эътиборини тортган эди. Энг аввало, сарлавҳанинг ўзиёқ мақолани тезроқ ўқиб чиқишга рағбат пайдо қилади. Бошда: «Эътиқодсизлик чиндан ҳам ёмон нарса. Ўзим ҳам бўлар-бўлмасга эътиқодини янгилайверадиган беқарор ва бебурд одамни ёмон кўраман...» «Бироқ эътиқодларинг ҳаёт синовига дош беролмаган бўлса, у сени аллақачон боши берк кўчага киритиб қўйгани исботланган бўлса, муқаддас, деб ҳисоблаб келган байроғинг ёлғон чиқиб қолган бўлса, нима қилмоқ керак?» — дея жумбоқнамо савол билан ўқувчини қизиқтириб қўяди. Кўп ўтмай «Шундай қилиб мен 60 ёшимда эътиқодимни ўзгартирдим ва маломатга қолдим», дея қизиқишни янада орттиради. Лекин эътиқодини ўзгартирган биргина муаллиф эмас, минглаб, миллионлаб одамлар экан. Йўлининг ярмидан кўпини ўтаб қўйгач, бирдан ўтган умри беҳуда кетганини англаб қолган, дунёни поклашдек олий ниятга хизмат қилаяпман, деб ўйлаган, лекин, аксинча, ўзи буткул кирланиб битган, идеаллари саробга айланган одамлар экан. Ғап йиллар давомида мақталган, кўкларга кўтарилган, лекин охирида миси чиқиб, пучлиги маълум бўлиб қолган коммунистик эътиқод ҳақида боради. Хўш, бу ҳаёт маълум гаплар-ку, кўп айтиляпти, ёзиляпти, деган фикрга келиши мумкин китобхон. Муаллиф худди шуни сезгандай ёзади: «Ўтмишни қоралашдан фойда йўқ. Чунки ўтмиш — ўтмиш! У аллақачон тарихга айланган... Аммо ҳамма йиғлаб-сиқтаб, зулматни қоралаётган чоғда битта одам, битта шамчироқ ёқса, ўша зулматнинг бир чеккаси сал бўлсада ёришармиди? Дарёлар ирмоқлардан, ирмоқлар томчилардан ташкил топади. Шундоқ экан, бир одамнинг аччиқ тажрибаси ҳам нимагадир асқотиб қолиши мумкин-ку! Ҳамма бўлмаса ҳам, лоақал невара-чеваралларим ўқиб мен бошимдан кечирган адашишлар ва хатоликлар йўлига қадам қўйишидан ўзларини тиярлар».

Кечган умрини танқидий тафтиш қилиши, «Мен»ини аяб ўтирмаслиги ушбу ва бошқа мақолаларнинг самимийлигини оширган. Беайб парвардигор. Ҳеч биримиз қусурлардан холи эмасмиз. Озод ака ҳам фаришта эмасдир. Китобда айтган адашиш, хатолари рост. Айни чоғда улар адабиётимиз, маданиятимиз, олий таълимимиз ривожига қўшган, қўшаётган улкан, салмоқли ҳиссаси соясида қолиб кетиши ҳам рост.

Озод Шарафиддиновни ғойибдан биладиган одам унинг ҳаёти силлиқ кечган, деб ўйлаган бўлишлари мумкин: мақолалари матбуотда бот-бот чиқиб, овози эфир, экрандан янграб, китоблари бирин-кетин чоп этилиб турса, катта-кичик мукофот, совринлардан бебаҳра қолмаса, қанчадан-қанча ижодкорлар «устоз», дея ҳурматини жойига қўйса, узоқ йиллар онгли ҳаётини юксак идеаллар, коммунистик мафкура тантаналарига бағишлаган бўлса... Худди шу юксак идеал, ҳукмрон мафкурага садоқат Озод ака ҳаётида анча муаммолар, юрагида чандиқ, армон-ўкинчлар, руҳиятида тушкунликлар келтириб чиқардики, мақоладаги таъсирли воқеа, далиллар буни исботлаб турибди.

О. Шарафиддинов партияга чақириқ қоғози билан эмас, юрак амри билан кирганлардан: мактаб йиллари, барабан садолари, пионер бўйинбоғларининг ҳилпираши, қувноқ қўшиқлар, «халқлар отаси»га чексиз раҳматлар айтишлар, оғизда бахтли, амалда юпун болалик, кейин комсомоллик, ўт-оловлик, партияга содиқ дастёрлик, аслида сохта бахтиёрлик даври («у кезларда биз юмшоққина мумдек эдик — бизни истаган куйга солса бўларди, истаган қўғирчоқни ясаш мумкин эди» — ёзади муаллиф). Хуллас, 50-йиллар бошида, ёш, фаол, охирги курс талабаси ўзини партияга тайёр, деб ҳисоблайди, кириш ҳаракатига тушади, лекин насиб этмайди: ўша кезлар зиёлилардан кам қабул қилинар экан, бунинг устига ҳамма биладиган, ҳурмат қиладиган бир гуруҳ адиб, олимлар «халқ душмани» дея эълон қилиниб, ҳибсга олинади. Москвада, жаҳон адабиёти институти аспиранти, фаол жамоатчини партияга қабул қилишмоқчи бўлганида Сталин вафот этиб қолади-ю, сурилиб кетади. 59-йилдагина «улкан» орзуси ушалади. «Мен партияга бирон мансаб излаб, ёхуд бирон имтиёзга эга бўлиш мақсадида кирганим йўқ эди», — эътироф этади муаллиф. — Мен ниятлари пок, виждони тоза, олижаноб, мард, фидокор ва содиқ одамлар гуруҳига қўшилган ва улар билан бирга дунёда энг улуғ, энг бахтиёр, энг адолатли жамият қуришдек катта иш йўлида ҳаммаслак бўлган эдим». Муаллиф, шундан кейин, жамият ҳаётидаги ажабтовур, ҳайронқоларли, ҳайратга соларли, ақлга сиғиши қийин воқеалардан бир нечтасини келтирадики, улар алалоқибат унинг партияга бўлган ишончи томирларига болта уради, йўлининг тўғрилигига шубҳа туғдиради ва ниҳоят, узилкесил ҳафсаласини пир қилади: ёш коммунистга, уставга хилоф равишда, йўқ айби учун виговор ёпиштиришади; Хадрада, филфак биноси ёнидаги чиройли, гавжум, сердаромад «Родина» кинотеатри таъмирланади, дея ёпилиб, бир неча йилдан кейин ўрнида Ҳамза театрининг янги биноси пайдо бўлишидан лол-ҳайрон қолади, бунда устамонлик-фирибгарлик кўради, кеч кузда, ер музлаган, далада пахта қолмаган пайтда, «нега талабаларнинг терим суръати пасайиб кетди», дея дағдаға қилган раҳбарга «бундай шароитда болаларни тутиб туришдан нима маъно бор?» деган жавоби учун партиянинг пахта сиёсатини тушунмаганга чиқади.

Ростгўйлик пойгакда қолиб, ёлғоннинг тўрга чиқишига кўп гувоҳ бўлади: эллик йил партияга сидқидил хизмат қилган аяси қариганда қадрига етишмаганидан изтироб чекканини кўриб, сезиб туради. Беқиёс олим Ҳабиб Абдулланинг ҳалол пулига иморат қурғани учун бадном қилинганини ҳеч ҳазм қила олмайди, буюк актёр Шукур Бурҳон бетоблигида орқаворотдан мажлис қилиб, ишдан бўшатилганини, Тошкентдан 35 чақирим узоқликда шапалоқдай жойда, кўп меҳнат қилиб оддий, лойсувоқ дала-ҳовли қурғани учун номи ёлғон-яшиқдан иборат «Чорбоғчилар» деган фельетонга тушгани, масаласи бюроларда кўрилгани, изоҳномалар ёзгани, шунчаки болахонани қўпориб ташлашга мажбур қилишгани (биз, бир қанча ҳамкасблари, шогирдлари, ўз ихтиёримиз билан, лойсувоқ иморатни тузишда — ҳашарда ва бузиш, домланинг аламли иборасича, «анти ҳашар»да қатнашган эдик). Яна бир нарса Озод аканинг юрагида, айниқса, ўчмас чандиқ қолдиради: бошқалар қатори Ленинни буюк жаҳон пролетариати доҳийси деб билган, у ҳақидаги асарларни таржима қилган олим хориж сафарларида бўлганида оддий, меҳнаткаш одамлар «доҳий»ни танимагани, расмини кўриб «Бу ким?» деб сўраганлари, у ерда Ленриннинг шуҳрати ончалик эмаслиги, усиз ҳам бинойидек кунларини кўриб туришларига ҳайрон-лол қолади. Қайта қуриш йилларида юртимизга юборилган ленинчи десант раҳбарларининг бедодликлари, ёлғон-яшиқ, тилёғламалик, таъмагирлик, ҳаромхўрлик ва бошқа иллатлар зиёли коммунистнинг сабр косасини тўлдиради, пировардида йиллар давомида содиқ қолиб, сажда қилиб келган эътиқодидан воз кечади. Бу ҳолат — сохта, пуч эътиқоддан воз кечиш — янгича мафкурага, тоза эътиқодга интилиш, эришиш эди. Мақолани ўқиган ҳар бир собиқ коммунистнинг кўз ўнгидан ўз ҳаёти, адашишлари, ўкинч-армонлари ўтади.

Компартия, унинг мафкурасини авра-астарини ағдариб танқид қилган, чангитиб сўкиб хумордан чиқилган анча-мунча мақолаларни ўқиганмиз. Озод Шарафиддиновнинг «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» мақоласи вазмин, мулоҳазакорлиги, характерли далил ва мисолларга таянилганлиги, таҳлилийлиги, тадқиқийлиги билан ўқувчини ром этади ва ишонтиради.

Озод Шарафиддиновнинг ёзма ва оғзаки услубига хос хусусият фазилатлардан бири рост гапни дадил ва далилли айтишидир. Бу фазилат устоз адиб Абдулла Қаҳҳордан кўпроқ юққан бўлиши мумкин. Олим А. Қаҳҳор ҳақида салмоқли тадқиқотлар, йирик китоб ёзган. «Сардафтар»дан ҳам адиб ҳақида «Чинорлардан бири», «Бир нутқ тарихи» мақолалари жой олган. Биринчи мақола умумлашма тарзида бўлиб, А.Қаҳҳор истеъдоди, тийнатининг энг диққатга сазовор, устувор жиҳатларини таъриф-тавсифласа, иккинчиси адибнинг ҳар доим унутилмас воқеа, шов-шув бўладиган, юрт узра тез тарқалиб кетадиган нутқларидан бири — 1956 йил июль ойида Ёзувчилар уюшмасида сўзлаган оташин нутқи, у қолдирган кучли таассурот, кейинги ҳангомалар ҳақида жуда мароқли ҳикоя қилади. Эллик олтинчи йил. Сталин шахсига сиғиниш қораланиб, узоқ муддат ҳукм сурган зулматли тун ёриша бошлаган, тиқилиб ётган булоқнинг кўзи очилгандай бўлган. Ошкораликка бир қадар йўл берилган қисқа даврда сўзланган бу нутқ бамисоли ёзнинг тиниқ осмонида гулдираган момақалдироқ, чақнаган яшин эди. Адиб ўз нутқида Ёзувчилар уюшмасида ижодий муҳит йўқлиги, айрим шахслар, адиблар орасига турли йўллар билан нифоқ солишга, уларни бир-бирига қарши қўйишга, обрўсизлантиришга, демагогия ва дўқ-пўписалар билан ўз мақсадига эришмоқчи бўлган бир тоифа одамларнинг умумлашма қиёфасини чизиб беради ва бундайларни «ўзбек адабиётининг жаллодлари» деб атайди.

«Мажлис бир қалқиб тушди, — ёзади мақола муаллифи. — Гарчи кимнинг жаллод экани айтилмаган бўлса-да, бунақа гапни айтиб бўлмасди, бу гап учун жавоб бериш керак эди. «Залдан «Ким у, фамилиясини айтинг?» деган овозлар янграйди. «Айтаман, албатта айтаман, драмаларда ҳам конфликт охирида ҳал бўлади-ку», — дейди адиб ва яна бир неча минут гапини давом эттириб, «Мен Владимир Мильчаков ҳақида сўзладим» деб тугатади. Кутилмаганда бомба портлагандай таъсири кучли бўлган бу нутқ овозаси тез ёйилиб кетади ва марказкомгача етади, бюро мажлисида кўрилади, бу гап учун узр сўраш кераклигини талаб қилишади. «Мен узр сўрайдиган ҳеч қанақа гуноҳ қилганим йўқ, фақат бу одамнинг қилмишлари ҳақида гапирдим, холос. «Жаллод» сўзи сизларга унча маъқул бўлмаётган бўлса, майли, «жаллод» қолақолсин-у, «ўзбек адабиётининг қотили» бўлақолсин дейди устоз адиб.

Бюро ҳар икки адибга ҳайфсан беради: «Жаллод» деган сифат шу-шу Мильчаковга ёпишиб қолди, имонли одамлар унга қўл бериб кўришишга ҳазар қилиб қолишди, у бундай хўрликларга чидай олмайди, орадан кўп ўтмай кўч-кўронини кўтариб Ўзбекистондан кўчиб кетди. Бир неча йил ўтгач, унинг Россиянинг қай бир овлоқ шаҳрида оламдан ўтганини эшитдик», — дея тугатади муаллиф мақолани.

«Чинорлардан бири», «Бир нутқ тарихи» мақолалари яқинда маданиятимизнинг бир гуруҳ улкан вакиллари қаторида «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган Абдулла Қаҳҳор хотирасини абадийлаштиришга қўшилган ҳисса бўлди (Озод ака бу юксак мукофотга сазовор бўлган марҳум санъаткорлар ҳақида махсус мақола ҳам ёзди). «Декада кунларидан бирида», «Тирик сатрлар»нинг қийин қисмати» мақолаларида турғунлик даврига хос ортиқча маддоҳлик, ортиқча хавотир, ҳадик, муаллиф ўзи гувоҳ бўлган конкрет воқеалар, мисоллар орқали мароқли ва ишонарли кўрсатилган.

«Сардафтар...» илмий, бадиий, публицистик услуб-йўсинда яратилган синтетик асар. Муаллифнинг илмий тадқиқотлари «Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон», «Абдурауф Фитрат» ва «Ҳинд сайёҳи» қиссаси, «Ўткир Ҳошимов», «Қалдирғоч — баҳор элчиси» ва ҳ.к. нафис бадиий, публицистик тасвирлар, эҳтиросли лавҳалар билан табиий равишда алмашиниб туради. Буни асарнинг тағин бир ўзига хос хусусияти — фазилати деб ҳисоблаш мумкин.

Публицистика, публицистик руҳ баъзиларга ёқмаслиги мумкин: фалон адабиётшунос фалон тадқиқотида публицистикага тойилиб кетган, деган маънода танқидий фикрларга ҳам дуч келамиз. Ялтироқ, шалдироқ қуруқ публицистика бўлса бу тўғридир, лекин чинакам публицистика асарга ўзгача мароқ, нафосат, жозиба бағишлайди, ҳам ақлингиз шуур, ҳам қалбингиз ҳузур олади. Мана шу хусусиятдан маҳрум, «соф» илмий, академик услубда ёзилган, жўяли фикрлар мавжуд бўлса-да, ўқилиши, ҳазм бўлиши қийин, зерикарли тадқиқотларга дуч келинади. Бунда «публицистикадан тойилиб кетибди», деган таъна ўринли бўлар, балки. Чорак аср муқаддам «Вопросы литературы» журнали бир сонини бошдан-оёқ адабий-бадиий танқидчилик муаммоларига бағишлаган, собиқ иттифоқнинг, шунингдек, хорижнинг кўпгина кўзга кўринган адибларига танқидчилик аҳволига оид бир неча саволга жавоб бериш сўралган эди. Таниқли адиб Асқад Мухтор анкета саволларига, жумладан, шундай жавоб берган эди: «.. Танқиднинг адабиётга муносабати, образли белгилайдиган бўлсак, табиатнинг жонли организмга муносабати сингаридир. Табиат ҳам ёрдам беради, ҳам даволайди, ҳам организм билан бирга яшайди. Шунинг учун ҳам мен танқидни адабиётни ўқигандай ўқийман..

Ҳозирги ўзбек танқидчилари ичида Озод Шарафиддиновнинг асарларини алоҳида қайд этмоқчи эдим. Унинг китоблари адибларга ақл ўргатмайди, балки тенгма-тенг туриб жиддий, фойдали суҳбат қуради. Муаллиф ёзувчи ва ўқувчи билан биргаликда адабиёт ва ҳаёт муаммоларини муҳокама қилаётгандай бўлади. Унинг оддий ва самимий манераси ўзига ром этади, бу мунаққид шахсияти аксидирки, менинг симпатиям танқидчи томонида».

Ўтган йиллар давомида мунаққид қалами чархланиб, маҳорати ошиб, услуби янада сайқал топиб бордики, «Сардафтар» ва унга кирмаган кейинги мақолалар бунинг исботи.

Чўлпон ва Фитрат ҳақидаги тадқиқотлари Озод Шарафиддиновнинг кучли ва теран адабиётшунослигини кўрсатиб турибди. Чўлпон ҳақида энг биринчилардан бўлиб сўз айтган, илк мақолалар битган, мафкуравий тазйиқ йиллари гап ҳам эшитган, мустақиллик даврида шогирдлари билан биргаликда кўп тадқиқотлар яратган олим О. Шарафиддинов бўлади. «Сардафтар»даги тадқиқотини ўқиган китобхон машҳур адиб ҳаёти, ижоди ҳақида кенг, яхши тасаввурга эга бўлади.

«Фитрат ва Ҳинд сайёҳи» қиссаси О. Шарафиддиновни етук адабиётшунос, моҳир мунаққид сифатида кўпроқ ва тўлиқроқ намоён қилган асардир. Гарчи тадқиқотда Фитратнинг диалог шаклида ёзилган бир, машҳур асари чуқур профессионализм билан батафсил таҳлил этилган бўлсада, у умуман маърифатпарвар фаолиятининг муҳим нуқталари, ижодий камолоти адиб ҳаёти ҳақида муайян тасаввур беради. «Бу асар том маънода юксак бадиий фазилатларга эга бўлиб, ўзининг фавқулодда зўр таъсир кучи билан ажралиб турар эди. У Бухорода ҳам, Туркистонда ҳам ижтимоий фикрни уйғотишда жуда катта роль ўйнади. Чунки унда ўша даврдаги Бухоро ҳаётининг энг чирсиллаб турган, кескин ижтимоий муаммолари қаламга олинган бўлиб, ҳаётда теран ва изчил ислоҳотлар ўтказиш заруриятн таъкидланган эди».

«Ҳинд сайёҳининг қиссаси» икки-уч йил мобайнида Бухоро ва Туркистон жадидлари учун ҳақиқий дастуриламал бўлиб қолди ва бу ҳаракатнинг янада уюшганроқ бўлишини таъминлади. Асарга Садриддин Айний ва Файзулла Хўжаевлар алоҳида урғу беришни лозим кўришган». Ушбу фикрларда Фитрат асарининг ғояси яхши очиб берилган.

«Сардафтар»даги бошқа мақолалар ҳам қизиқиш билан ўқилади. Масалан, «Ўткир Ҳошимов» мақоласида таниқли адиб ижодининг муҳим нуқталари кўрсатиб берилган бўлса, «Қалдирғоч — баҳор элчиси»да ўзбек илмий-фантастик адабиётининг бошловчиларидан бири Ҳожиакбар Шайхов ижоди қаламга олинади, бу адибнинг ўзига хос ижоди, услубий хусусиятлари, афсуски, мақолада тўлиқ таҳлил этилмаган, қисқа ва кемтикроқ бўлиб қолган. «Суқрот» мақоласи эса кенг ва қизиқарли далил, маълумотларга бой. «Суқрот» донишманд бўлган», «ҳақсўзлиги, ҳозиржавоблиги билан кўп азоб-уқубатларга дучор бўлган. «Соғ одамга Суқротнинг кераги йўқ» — кўпчилигимизнинг у ҳақидаги тасаввурларимиз шу атрофда эди. Олим кўп ноёб китоблар мутолаа қилиб, сочилиб ётган маълумотларни йиғиб, Суқрот ҳақида ғоят мароқли ва мазмундор бир мақола яратганки, уни ўқиган одам шуури кенгаяди, билими ошади.

«Сардафтар»нинг мазмунини ҳикоя қилиш ундан олинадиган таассуротни сусайтириш демак. Шу маънода бу китобни ҳузур қилиб ўқиш, билими, тасаввурини бойитиш, маънавий озиқ олишни маслаҳат кўрардик.

Озод Шарафиддинов янги, ўткир, мароқли мақолалари билан матбуот саҳифаларида фаол қатнашиб турибди. «Сарҳисоб»га янги саҳифалар битилмоқда. Сарҳисоб давом этмоқда...

■ **Сайди УМИРОВ,**
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети декани

1 2 3

ФУТБОЛ — КОНИ ФОЙДА

INTER - FUTBOL

Англия футбол федерацияси 1999-2000 йилларда-ги футбол мавсумида клубларнинг қанча маблағ жамғарганлигини ҳисоблаб чиқди. Бунда асосан Англия чемпионатида қатнашган 10 клуб ва футбол лигасида иштирок этган 5 та клуб молиявий аҳволига эътибор берилди.

Кўпгина футбол клублари ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, бир миллиардан кўпроқ маблағни телекомпаниялардан ундирган. Ҳисоб-китоблардан яна шу нарса маълум бўлдики, кўпгина футбол мухлислари стадионлардан кўра телеканаллар орқали ўйинни кузатиб боришни афзал кўрар экан. 1980 йилдан буён телевидениелар футбол майдонларидаги ўйинларни эфирга узатиб, ўз аудиторияларини кенгайтириб бормоқда. Бу кўрсаткич йилдан-йилга ошмоқда. Масалан, Англия чемпионатида олдинги йиллардагига нисбатан телекузатувчилар 15 фоизга кўпайган ва клублар жами 772 миллион АҚШ доллари жамғарган. Футбол лигасини телеканаллар орқали кузатувчи мухлислар 9 фоизга ўсган ва бунда клублар 306 миллион АҚШ доллари ишлаб олишган.

Охирги футбол мавсумида Англия чемпионлари ўйинини тўғридан-тўғри узатган «Division One» телекомпанияси 7,7 миллион доллар жамғарган.

Телекомпаниялар ўртасида ҳам ўзига хос рақобат мавжуд. Ҳозирда «Division One» телеканали ўз рақобатдошларидан анча юқори. Ўтган галги футбол мавсумида жами 747 миллион АҚШ доллари жамғарган.

■ **Юнус БЎРОНОВ тайёрлади**

«ГАЗАВТОМАТИКА»

очиқ акциядорлик жамияти

ишлаб чиқариш, ошхона ва офислар учун мўлжалланган биноларни келишилган ҳолда ижарага беради.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 72-93-78, 72-36-29, 72-87-73.

«ДОН-НОН»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ МАЖЛИСИ ЧАҚИРИЛИШИ ҲАҚИДА АХБОРОТ

Йиғилиш Мирзо Улуғбек тумани, Гёте кўчаси, 50-уй, акциядорлик жамиятининг мажлислар залида 2001 йил 23 август соат 11.00 да ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциялар пакетини қайта тақсимлаш ва Уставга ўзгартириш киритиш бўйича масала.

2. Турли масалалар.

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ОАО «O'ZTA'MINBUTLASh»

проводит тендер на закупку:

— стали оцинкованной;
— металлопроката;
— труб электросварных;
— труб безшовных;
— электродов;
— сварочной проволоки;
— проволоки низкоуглеродной.

Все предприятия и организации, желающие принять участие в проведении тендерных торгов, могут направлять свои предложения в течении 30 дней с момента выхода данного объявление по адресу:

г. Ташкент, ул. А. Темура, 25.

Контактный телефон: 137-53-62

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BÓLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2602

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA